

**Алоҳида суд ишларини юритиш тартибида фуқарони муомала
лаёқатини чеклаш ва уни муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги
ишни судда кўриб ҳал қилиш**



Фуқарони муомала лаёқатини чеклаш ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш алоҳида суд ишларини юритиш тартибида кўриб ҳал қилинадиган ишлардан бири ҳисобланади. Шундай бўлсада ушбу масала фуқаролик қонунчилиги асосида тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексини 31-моддасида ҳамда Фуқаролик процессуал кодексининг 291-моддасида фуқарони муомала лаёқатини чеклаш асослари ва унинг ҳуқуқий оқибатлари кўрсатилган.

Ушбу моддага кўра, агар фуқаро, спиртли ичимликларни ёки гиёҳвандлик воситаларини суиистеъмол қилиш натижасида ўз оиласини оғир моддий аҳволга солиб қўйган бўлса суд фуқаролик процессуал қонунчилигида белгилаб қўйилган тартибда бу фуқарони муомала лаёқатини чеклаб қўйиши мумкин. Бундай ҳолда бу фуқарога нисбатан ҳомийлик белгиланади. Муомала лаёқати чекланган фуқаро майда –маиший битимларни мустақил тузиш ҳуқуқига эга. У бошқа битимларни ҳомийнинг розилиги билангина тузиши, шунингдек иш ҳақи, пенсия ва бошқа даромадлар олиши ҳамда уларни тасарруф этиши мумкин. Бироқ бундай фуқаро ўзи тузган битимлар бўйича ва етказилган зарари учун мустақил равишда мулкий жавобгар бўлади.

Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган фуқаролар қисман муомала лаёқатига эга бўладилар. Буларни муомала лаёқатини чеклаш иш ҳақини, стипендиясини ёки бошқа даромадларини мустақил тарзда тасарруф қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш мумкин, агарда булардан бошқа мақсадлар учун фойдаланаётган бўлса, буни (спиртли ичимликларни ичиш, кимор ёки бошқа азарт ўйинлар) етарли даражада асослайдиган далиллар бўлсагина йўл қўйилади. Бошқа ҳолларда бунга йўл қўйилмайди.

Фуқаронинг муомала лаёқати чекланишига сабаб бўлган асослар бекор бўлса, суд унинг муомала лаёқатини чеклашни бекор қилади. Фуқарога белгиланган ҳомийлик суд қарори асосида бекор қилинади.

Фуқарони муомала лаёқатни чеклашдан уни муомалага лаёқатсиз деб топишни фарқлай билиш керак. Фуқарони муомала лаёқатини чеклаш асослари, фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш учун асос бўлмайди. Бунинг асослари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексини 30-моддаси ҳамда Фуқаролик процессуал Кодексини 291-моддасида кўрсатилган.

Ўзининг рухий касаллиги ёки ақли заифлиги сабабли ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқарони

* ЎЗМУ Ҳуқуқшунослик факультети Фуқаролик процесси кафедраси катта ўқитувчиси

суд фуқаролик процессуал қонунчилигида белгилаб қўйилган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топиши мумкин. Муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқарога васийлик белгиланади. Муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро номидан битимларни уни васийи амалга оширади.(ФПК 30-моддаси)

Фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топилишига сабаб бўлган асослар бекор бўлса, суд уни муомалага лаёқатли деб топади ва унга нисбатан белгиланган васийликни бекор қилади.

Фуқаронинг манфаати учун ҳамда бошқа шахсларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқарони муомала лаёқатини чеклаш ва уни муомалага лаёқатсиз деб топиш амалдаги фуқаролик ва фуқаролик процессуал қонунчилигига асосан суд йўли билан амалга оширилади. Суд бу ишни алоҳида суд ишларини юритиш тартибида кўриб ҳал қилади.

Фуқарони муомала лаёқатини чеклаш билан боғлиқ ишларни кўриб ҳал қилиш жараёнида суд муомала лаёқати чекланиши керак бўлган шахс спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик моддалари ва психотроп моддаларни истеъмол қилишлиги оиласини моддий жихатдан оғир ахволга тушиб қолишига сабаб бўлган ёки бўлмаганлигига асосий эътиборини қаратиши керак. Агар фуқаро юқоридаги нарсалари истеъмол қилса, лекин оиласини моддий жихатдан оғир ахволга туширмай доимо ҳар томонлама таъминлаб турган бўлса, бундай фуқарони муомалага лаёқатини чеклаш мумкин эмас.

Бу масала бўйича яна шуни айтиш жоизки, баъзи бир эркаклар оила курмасдан ўзлари яшайдилар. Бу тоифага эркакларни спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик ва психотроп моддаларни истеъмол қилиши, уларни муомала лаёқатини чеклаш учун асос бўладими? деган саволга, на фуқаролик, на фуқаролик процессуал қонунчилигида жавоб йўқ. Оиласиз бўлган бундай эркакларни муомала лаёқатини чеклаш мумкин эмас. Боиси, уларнинг оиласи йўқ. Юқоридаги нарсаларни истеъмол қилишлик натижасида ўзининг оиласини моддий жихатдан оғир ахволга солиб қўйганлик муомала лаёқатини чеклаш учун бирдан-бир асос ҳисобланади. Шунга асосланиб айтиш мумкинки, оиласи йўқ фуқарони юқоридаги асос бўйича муомала лаёқатини чеклаш мумкин эмас.

Фуқарони муомала лаёқати чекланганда у ўзига тегишли бўлган барча ҳуқуқлардан махрум бўлмайди. У айрим ҳуқуқларидан махрум бўлади. Масалан, иш ҳақини олишдан. Бундай ҳолда унинг иш ҳақини олиш тегишли бўлишига қараб эр ёки хотинни ёки оила аъзоларидан бирига юклатилади.

Фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишни судда кўришга тайёрлаш ва уни мазмунан кўриб ҳал қилиш босқичида суд асосий эътиборни фуқарони рухий касалга чалинганлигига ва бунинг натижасида ўз ҳаракатларини бошқара олмайдиган ҳамда унинг қандай оқибатларга олиб келишини тушуниб етмаслигига қаратиши керак. Чунки фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш учун бирдан-бир асос фуқарони рухий касаллиги ва ақли заифлиги ҳисобланади.

Фуқарони муомала лаёқатини чеклаш ва уни муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишни суд бу ишнинг оқибатидан моддий жихатдан манфаатдор бўлган оила аъзолари томонидан судга берган ароизалари ҳамда

процессуал қонунчилигида бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ваколатига эга бўлган, васийлик ҳамда хомийлик органлари, прокурор, рухий касалликлар бўйича давлат муассасалари ўзини-ўзини бошқариш органларининг аризалари бўйича, алоҳида суд ишларини юритиш тартибида кўриб ҳал қилади.

Спиртли ичимликлар, гиёхвандлик ва психотроп моддаларни истеъмол қилувчини оила аъзоларига қуйидагилар киради:

- А) отаси ва онаси;
- Б) эр ёки хотини;
- В) Вояга етган фарзандлари;
- Г) у билан бирга яшаётган ва боқувчида бўлган меҳнатга лаёқатсизлар;
- Д) у билан умумий хўжалик юритиб келаётган бошқа қариндошлари.

Фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш учун судга қуйидагилар ариза тақдим этишлари мумкин:

- 1) ота-оналар;
- 2) фарзандлар;
- 3) ака-укалар;
- 4) опа-сингиллар.

Булар, муомалага лаёқатсиз деб топилиши керак бўлган фуқаро билан бирга яшаш ёки яшамасликларидан қатъий назар судга ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ариза биринчи навбатда шу фуқаронинг манфаатини кўзлаб судга берилади ва шу асосда иш қўзғатилади. Фуқарони муомалага лаёқатини чеклаш тўғрисидаги ариза эса, арз қилувчини ва бошқа манфаатдор шахсларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида берилади. Бу ҳақда судга берилган ариза иш қўзғатиш учун асос бўлади. Ариза фуқаронинг яшаб турган жойдаги, агар бу шахс даволаш муассасасига жойлаштирилган бўлса мазкур муассаса жойлашган ҳудуддаги судга берилади.

Фуқарони муомала лаёқатини чеклаш ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисида судга ариза тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлган шахслардан ташқари бу ҳақда бошқа шахслар томонидан судга ариза берилган бўлса суд аризани қабул қилиб олмаслиги керак. Агар ушбу масала бўйича ариза берган шахсни судга ариза бериш ҳуқуқига эга эмаслигини суд ишини кўриб ҳал қилиш жараёнида аниқласа иш юритишни тугатиши керак.

Фуқарони муомала лаёқатини чеклаш ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишларни кўриб ҳал қилиш жараёнида фуқарони ҳолатини ўзгартиришга қаратилган ишни тўғри ҳал қилиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларга ва буларни тасдиқлайдиган далилларга асосланиши керак. Бу борада судга мурожаат қилган шахс ҳар қандай исботлаш воситаларидан фойдаланишлари мумкин. Масалан, спиртли ичимликларни ичганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилганлиги тўғрисидаги қарор наркологик диспансеридан олинган маълумотнома (справка) ишга маст ҳолда келганлиги муносабати билан ходимни ишдан четлаштирилганлиги тўғрисида қабул қилинган маъмурий акт рухий касалга чалинганлиги муносабати билан тиббий муассасаларида даволанганлиги ёки рўйхатда турганлигини исботлаш

учун касаллик варақасидан кўчирма ва бошқа ҳолатларни судга тақдим этган аризасида кўрсатилиши керак.

Фуқарони муомала лаёқатини чеклаш ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида фуқарони рухий ҳолати бузилганлигини (рухий касаллиги ёки ақли заифлиги) тўғрисида етарли маълумотлар мавжуд бўлса унинг рухий аҳволини аниқлаш учун суд рухий экспертизасини тайинлаши керак (ФПК 293-моддаси). Чунки, судья фуқарони рухий ҳолатини аниқлаш билан боғлиқ бўлган махсус билимга эга эмас.

Суд иш бўйича суд - рухий экспертиза тайинласа, бу ҳақда ажрим чиқариш керак. Ажримда хулоса бериш учун қуйидаги саволлар қўйилиши мумкин: фуқаро рухий касаллик билан оғрийдими?; шу муносабат билан ўз ҳаракатларини бошқара оладими?; ўз ҳаракатларини қайдай ҳуқуқий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тушунадими ёки англаб етадими?; рухий касал бўлишига қарамасдан шахсан ўзи ишни кўриб ҳал қилишда иштирок эта оладими?.

Фуқарони рухий касаллиги ёки ақли заифлиги уни муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишни кўришда иштирок этишига тўсқинлик қилмайди. Агар судья ишни кўриш вақтида унинг рухий ҳолати қониқарли деб топса у суд жараёнида қатнашиши мумкин.

Суд фуқарони муомала лаёқатини чеклаш тўғрисидаги ишни албатта шу фуқаронинг (жавобгарнинг), прокурор ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи вакилининг иштирокида кўради (ФПК 294-моддаси). Агар фуқаро суд мажлисига келмаса, суд ФПК 261-моддасига асосан, мажбурий тартибда келтирилади ва унга энг кам иш ҳақининг беш баробаригача миқдорида жарима солинади. Мажбурий тартибда келтириш суднинг ажримига биноан ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади.

Фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишни суд, прокурор ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи вакилининг иштирокида кўриб ҳал қилади. Агар фуқарони соғлиги суд мажлисига келишга тўсқинлик қилмасдан бунга имкон берса, у суд мажлисига чақирилиши мумкин (ФПК 294 моддасининг 2-қисми).

Фуқарони муомала лаёқатини чеклаш ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишларни ўзига хос хусусиятларидан бири-бундай ишларни алоҳида суд ишларини юритиш тартибида ҳал қилишда, суд харажатлари судга ариза берган шахсдан ундирилмайди. Агар суд, ариза фуқарони оила аъзолари томонидан инсофсизлик қилиб асоссиз равишда фуқарони муомала лаёқатини чеклаш ёки унинг муомала лаёқатидан махрум қилиш мақсадида атайлаб берилган деб топса, ишни кўриб ҳал қилиш билан боғлиқ суд харажатлари оила аъзоларидан ундирилиши керак (ФПК 294-моддасининг 2 қисми).

Фуқарони муомала лаёқатини чеклаш ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишни суд, суд мажлисида мазмунан кўриб ҳал қилганда бу ҳақида ҳал қилув қарори чиқаради. Суднинг фуқарони муомала лаёқатини чеклаш ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори васийлик ва

хомийлик органини муомала лаёқати чекланган шахсга ҳомий тайинлаши, муомалага лаёқатсиз шахсга эса, васий тайинлаш учун асос бўлади.

Суднинг фуқарони муомала лаёқатини чеклаш ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги чиқарган ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан сўнг фуқаронинг муомала лаёқати чекланади, муомалага лаёқатсиз деб топилади. Фуқарони муомала лаёқатини чеклаш ва муомалага лаёқатсиз деб топиш учун асослар бартараф қилинганидан сўнг, муомалага лаёқати чекланган фуқарони ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқарони тўла муомалага лаёқатли деб топиш тўғрисида судга ариза бериш мумкин.

Фуқаролик процессуал Кодексининг 296-моддасида кўрсатилишича қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда суд фуқаронинг ўзи, унинг хомийси, шунингдек ушбу кодекснинг 291-моддасида кўрсатиб ўтилган ташкилотлар ва шахслар томонидан берган аризага биноан фуқарони муомала лаёқатини чеклашни ва унга нисбатан белгиланган хомийликни бекор қилиш ҳамда суд рухий экспертизасининг хулосасига асосланиб, соғайган фуқарони муомалага лаёқатли деб топиш ҳамда унинг устидан васийликни бекор қилиш тўғрисида ҳал қилув қарорини чиқариши керак.